IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: QF46775870

**Пудрат ишларини бажариш учун**

**ШАРТНОМА№ 4**

Янгикургон тумани «28» июл 2022 йил

Амалда низом асосида иш курувчи кейинчалик «Буюртмачи» деб юритувчи Ободонлаштириш бошкармаси рахбари Б. Сотиволдиев, бир томондан амалдаги Устав асосида иш курувчи, кейинчалик «Пудратчи» деб юритилувчи «Бинокор XX1» мчж номидан рахбари Ш.Ахмедов мазкур шартномани Янгиқўрғон туман Богистон мфй Гулистон кўчасини таъмирлаш тугрисида тузадилар.

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома Менинг йўлим дастури буйича Янгиқўрғон туман Богистон мфй Гулистон кўчасини таъмирлаш ишлари учун тузилди.
1.2. Ушбу шартнома шартлари бажарилишини томонлар Узбекистон Республикасининг конун-коидаларига асосланган холда амалга оширадилар.

## 2.ШАРТНОМА УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

2.1. Пудратчи таъмирлаш ишлари учун проек-смета хужжатларини уз хисобидан тайёрлайди.
2.2.Проект смета хужжатларида ёки бажарилган ишлар далолатномасидаги Ф-2 лимитланган ва бошка харажатлар Буюртмачи Пудратчи билан узаро тасдикланган такдим этилади.
2.3. Пудратчи шартномада курсатилган иш турларини бажариш учун ёрдамчи ташкилотлар (субподряд)ни Буюртмачи дан рухсат олмаган холда жалб этиши мумкин. Бу холда ёрдамчи ташкилот билан Пудратчи узаро тузилган шартнома асосида хисоб-китоб килади.
2.4. Таъмирлаш ишларини бажариш учун Буюртмачи Пудратчига курилиш майдонини уз вактида бушатиб беради.
2.5. Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 28 кунгигача Пудратчи томонидан Буюртмачи томонидан тасдикланади.
2.6. иш бажариш давомида проект-смета хужжатларидан ташкари бажарилиши керак булган Буюртмачи ва Пудратчи уртасида алохида тузилган далолатнома асосида бажарилади.
2.7. Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларнинг микдорини ва сифатини текшириб олади, бажарилган иш проект-смета хужжатларига тугри келмаса Пудратчи камчиликларни уз хисобидан бартараф этади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачи такдим килган тулов хужжатларига асосан белгилланган тулов кетма-кетлигига риоя килган холда бюджетдан маблаг олувчининг харажатлар сметасида кузда тутилган маблаглар доирасида белгиланган тартибда газна хисоб ракамидан ёки бюджетдан ташкари хисоб ракамидан туловларни амалга оширади.

Пудратчи уз вактида белгиланган стандартларга ва амалдаги конунчиликка асосан жавоб бериши Буюртмачи бажарилган ишларни кабул килиши тулов (аванс) хужжатларини тугри ва хакконий расмийлаштириш ва у вактида тулаб бериш учун топшириш.
3.2. Буюртмачи хукуклари:
Пудратчидан шартнома бажариш учун зарур булган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш:
Пудратчидан мазкур шарномага мувофик бериладиган буюртномага мувофик сифатли бажарилишини талаб килиш.
-камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар Буюртмачи ёхуд учинчи шахслар томонидан тугрилашни харажатларини коплашни:
-бажарилган ишларни бахосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб килиш.
Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини Пудратчидан талаб килиш.
3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Кўриб чиқган юрист: JO'RAMIRZAYEV JAVOXIRBEK NURMIRZA O'G'LI. Ҳужжат рақами: VE7103135134

Уз буюртмаси буйича бажарилган ишларни мазкур шартномага мувофик кабул килиш.
3.4. Пудратчи куйидагиларга мажбур:
Бюджет ташкилотига бажарилган ишларни мазкур шартномага мувофик муддатида сифатли бажариб бериш:
Агар таъмирталаб бериш жараёнида Пудратчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул куйган булса, бюджет ташкилотининг талаби билан аникланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш.

## 4. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартнома шартлари буйича бажариладиган ишларнинг бахоси 275 214 993 (Икки юз етмиш беш миллион икки юз ун турт минг туккиз юз туксон уч) сумни ташкил этади.
4.2. Ушбу шарнома буйича хисоб-китоблар суммалари пул утказиш йули билан амалга оширилади хамда Буюртмачи Пудратчига бажариладиган иш буйича олдиндан 30% туловни амалга оширади.
4.3. Туловлар Пудратчи билан Буюртмачи уртасида имзоланган хар ой учун булган бажарилган ишлар далолатномаси Ф-2 асосида Пудратчи томонидан 10 кун муддат ичида амалга оширилади.

## 5.ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминланса, шартнома бажарилган деб хисобланади.
5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, конун хужжатларида белгиланган холат бундан мустасно.
5.3. Бажарилган ишлар далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.
5.4. Бюджет ташкилоти муддатлар бузилган ва иш сифати коникти рмаган холда бажарилган ишларни кабул килишни рад этишга хакли.
5.5. Бажарилган ишлар буйича бевосита Бюджет ташкилотининг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича кабул килинади.Далолатномада етказиб берилган бажарилган ишнинг микдори уларни сифати курсатилади.
5.6. Объектда курилиш ишларини тулик бажариш ва топшириш муддати 2022 йил 31 декабрь.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Агар ажратилган ишнинг сифати, шартлар талабига ёки шартномада белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган такдирда айибдор томон сифати зарур даражада булмаган бажарилган иш кийматининг 20% микдорида жарима тулайди.
6.2. Бажарилган иш учун уз вактида хак туланмагада бюджет ташкилоти Пудратчига муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди бирок бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак.
6.3. Пудратчи Бюджет ташкилотига ишни кечиктирилган ёки тулик бажарилмаган такдирда кечиктирилган хар бир кун учун бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди. бирок бу бажарилмаган иш суммасининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак.
6.4. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кулланилади.
6.5. Ушбу шартнома нормалари фуқаролик қонунчилиги нормалари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун нормалари билан зид келган тақдирда фуқаролик қонунчилиги нормалари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун нормалари қўлланилади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.
## (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низолий масалалар келиб чиккан такдирда томонлар коидага кура мустакил равишда уларни хужалик судгача хал этиш чораларини курадилар.
7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита хужалик судига мурожат килишга хаклидир.

7.4. Юзага келган форс-можар холатлар буйича томонлар бир бирини конунда белгиланган муддатда зудлик билан хабардор килишлари шарт

7.3. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ

8.1. Томонлар уртасидаги мунособатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тулик туланган такдирда тухтатилади.

8.2. Ушбу шартнома 2022 йилнинг 31 декабргача амал килади.

## 9. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР.

9.1. Мазкур шарнома томонларни келишувига кура ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда томонларнинг бирининг талаби буйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага хар-кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шакилда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши ва Газначилик булимларида руйхатдан утгандан сунг хакикий хисобланади.

9.3. Мазкур шарнома икки нусхада тузилади шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучка эгадир.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «Пудратчи | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **“Бинокор XX1” МЧЖ** | **Ободонлаштириш бошкармаси** |
| (иш бажарувчининг номи) | (бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
| Манзил: Янгикургон туман Корасув мфй Заркент кучаси 10-уй | Манзил: Янгикургон шахри |
| Тел./факс: +998-93-536-02-16 | Тел./факс : 69-63-21-398 |
| ш/ҳ*:2021 0000 0003 6890 0001 | ш/ҳ*: 100022860142427045204110001 |
| Банк номи: АТБ Агро банк Янгикургон булими | Банк номи: Тошкент Марказий ХККМ |
| МФО:00251 СТИР: 200117820 | МФО:00014 СТИР: 204713228 |
| ОКОНХ: 63000 | ОКОНХ: 90211 |
| | Ғазначилик бўлинмаси номи: Янгикургон газначилик |
| | Ғазна х/в: 23402000300100001010 |
| | Банкнинг номи: Тошкент Марказий ХККМ |
| | МФО : 00014 |
| | ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919 |
| Рахбари: Ш. Ахмедов (Ф.И.Ш) | Рахбар: Б. Сотиволдиев (лавозим) (Ф.И.Ш) |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: VE7103135134

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA № QF46775870

**1. Loyiha turi: shartnoma;**

**2. Loyihani nomi:**

**4-sonli Pudrat shartnomasi**

*(Ushbu shartnomaning umumiy qiymati **275 214 993** (ikki yuz yetmish besh mln. ikki yuz o'n to'rt ming to'qqiz yuz to'qson uch)so'mni tashkil qiladi)*

**3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Yangiqo'rg'on tuman obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan **"Binokor XXI" MCHJ bilan pudrat ishlarini bajarish to'g'risidagi** ushbu shartnoma loyihasi 2022-yil 28-iyul kuni ishlab chiqilgan va tizimga kiritilgan.

Ushbu shartnoma loyihasi Fuqarolik kodeksi hamda Xo'jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunga asosan ishlab chiqilgan.

**4.** Loyiha amaldagi qonunchilikka, qonunchilik texnikasi qoidalariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz boshlig'i** **J. Jo'ramirzayev**

*29-iyul 2022-yil*

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN QAYTA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

| | |
|---|---|
| Reestr № 09/383 | № 0328 |
| 1993 yil 30 sentyabr | 2016 yil 17 mart |

*Mazkur guvohnoma* ***"BINOKOR XXI"*** *mas'uliyati cheklangan jamiyati bo'lgan yuridik shaxsga Yangiqo'rg'on tuman hokimligi huzuridagi "Yagona darcha" markazi tomonidan berildi.*

| | | |
|---|---|---|
| **Tashkiliy-huquqiy shakli** | TXSH (ОПФ) | 152 |
| **Mulkchilik shakli** | MSH (ФС) | 142 |
| **Davlat ro'yxatidan o'tkazish sanasiga pochta manzili** | MHOBT (СОАТО) | 1714242551 |
| **Yuridik shaxs kodi** | KTUT (ОКПО) | 16802109 |
| **Davlat ro'yxatidan o'tkazish sanasiga asosiy faoliyat turi kodi** | XXTUT (ОКОНХ) | 61110 |
| **Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami** | STIR (ИНН) | 200117820 |

RO'YHATDAN O'TKAZILDI

**Qo'shimcha ma'lumotlar:** *Mazkur sub'yekt Yangiqo'rg'on tuman hokimining 30.09.1993 yildagi 09/383-sonli qaroroga MCHJ sifatida asosan qayta ro'yhatdan o'tkazilgan*

**Vakolatli organ rahbari**

YAGONA DARCHA MARKAZI

Guvohnomani qalbakilashtirish qonun tomonidan ta'qiqlanadi

# М У Х О К А М А   А Х Б О Р О Т И

"28" июл 2022 йил                                                            Янгикўрғон шахри

Наманган вилояти худудидаги Янгикўрғон туман Ободонлаштириш бошқармаи томонидан 2022 йил "21" июлдаги № **22110012123112** сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22- апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича **Янгикўрғон туман Бустон МФЙ худудидаги Гулистон кучасини таъмирлаш** (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича **"Элдор"мчж, Наманган ТЙФУК, Янгикургон ТЙФУК, "Бинокор ХХ1"мчж лар** томонидан берилган таклифлар орасида **"Бинокор ХХ1" мчж** комиссия аъзолари энг мақбули деб топилди.

Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи**                **Б.Сотиволдиев**

**Бош хисобчиси**                **У.Қирғизбоев**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 123112 на приобретение Бустон мфй Гулистон кучаси таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 27.07.2022

Время рассмотрения 27.07.2022 12:57

Конкурсная комиссия Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SOTIVOLDIYEV BEXZOD NURMIRZAYEVICH | Бошлик | Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Секретарь комиссии** | TOSHMATOV KARIMJON URUNBAYEVICH | Kotib | Yangiqurgon TOB |
| **Член комиссии** | ZIYATOV RUSTAMBEK ISAQOVICH | Mexanik | Yangiqurgon TOB |
| **Член комиссии** | MAXKAMOV ISMATULLA ABDILLAYEVICH | Xodim | Yangiqurgon TOB |
| **Член комиссии** | MADRAXIMOV UMIDJON ABDURASULOVICH | Urinbosar | Yangiqurgon TOB |
| **Член комиссии** | JAVXAROV ADXAMJAN ABDURAXMANOVICH | Xodim | Yangiqirgon TOB |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.07.2022 года № лота 123112.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 100

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог** |
| Подробное описание | Бустон мфй Гулистон кучаси таъмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 289 699 992.00 |
| Стартовая сумма | 289 699 992.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчининг Давлат харидларинг махсус ахборот порталидаги кора руйхатда булмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг Давлат харидларинг махсус ахборот порталидаги кора руйхатда булмаслиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BINOKOR XXI MCHJ** | 20 | 275214993 | 17 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЯНГИКУРГОН ТЙФУК** | 20 | 275515505 | 17 | Экспертная | | |
| **ЭЛДОР М.Ч.Ж.** | 20 | Иштирокчининг Давлат харидларинг махсус ахборот порталидаги кора руйхатда булмаслиги | 17 | Экспертная | | |
| **УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN** | 20 | маълумот | 17 | Экспертная | | |

Критерий №2 Иштрокчининг молиявий ахволи ва охирги айланма маблаглари тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштрокчининг молиявий ахволи ва охирги айланма маблаглари тугрисида

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BINOKOR XXI MCHJ** | 20 | 275214993 | 19 | Экспертная | | |
| **ЯНГИКУРГОН ТЙФУК** | 20 | 275515505 | 18 | Экспертная | | |
| **ЭЛДОР М.Ч.Ж.** | 20 | Иштрокчининг молиявий ахволи ва охирги айланма маблаглари тугрисида | 18 | Экспертная | | |
| **УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN** | 20 | Молиявий натижа | 18 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг ишчи ходимларини йул курилишдаги малакаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг ишчи ходимларини йул курилишдаги малакаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BINOKOR XXI MCHJ** | 20 | 275214993 | 18 | Экспертная | | |
| **ЯНГИКУРГОН ТЙФУК** | 20 | 275515505 | 18 | Экспертная | | |
| **ЭЛДОР М.Ч.Ж.** | 20 | Танлов иштирокчисининг ишчи ходимларини йул курилишдаги малакаси | 18 | Экспертная | | |
| **УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN** | 20 | умумий маълумот | 18 | Экспертная | | |

Критерий №4 Иштирокчининг махсус техникалари хакида тулик маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг махсус техникалари хакида тулик маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BINOKOR XXI MCHJ** | 20 | 275214993 | 18 | Экспертная | | |
| **ЯНГИКУРГОН ТЙФУК** | 20 | 275515505 | 18 | Экспертная | | |
| **ЭЛДОР М.Ч.Ж.** | 20 | Иштирокчининг махсус техникалари хакида тулик маълумот | 17 | Экспертная | | |
| **УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN** | 20 | машина механизм | 19 | Экспертная | | |

Критерий №5 Давлат солик инспекциясидан карздорлиги тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат солик инспекциясидан карздорлиги тугрисида

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BINOKOR XXI MCHJ** | 20 | 275214993 | 13 | Экспертная | | |
| **ЯНГИКУРГОН ТЙФУК** | 20 | 275515505 | 13 | Экспертная | | |
| **ЭЛДОР М.Ч.Ж.** | 20 | Давлат солик инспекциясидан карздорлиги тугрисида | 13 | Экспертная | | |
| **УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN** | 20 | солик | 13 | Экспертная | | |

Критерий №6 Йул курилиш сохасидаги малакаси яни 3 йил давомида давлат буюртмачилари билан йул курилиш сохасидаги шартномали тугрисида малумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Йул курилиш сохасидаги малакаси яни 3 йил давомида давлат буюртмачилари билан йул курилиш сохасидаги шартномали тугрисида малумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BINOKOR XXI MCHJ** | 20 | 275214993 | 19 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЯНГИКУРГОН ТЙФУК** | 20 | 275515505 | 19 | Экспертная | | |
| **ЭЛДОР М.Ч.Ж.** | 20 | Йул курилиш сохасидаги малакаси яни 3 йил давомида давлат буюртмачилари билан йул курилиш сохасидаги шартномали тугрисида малумот | 18 | Экспертная | | |
| **УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN** | 20 | уч йиллик ишлар | 18 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЯНГИКУРГОН ТЙФУК** | 289 699 992.00 | 275 515 505.00 UZS | 275 515 505.00 | 00.00 | 275 515 505.00 | 20.07.2022 19:13:28 | 19.98 |
| **BINOKOR XXI MCHJ** | 289 699 992.00 | 275 214 993.00 UZS | 275 214 993.00 | 00.00 | 275 214 993.00 | 19.07.2022 14:52:36 | 20.00 |
| **УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN** | 289 699 992.00 | 286 802 992.00 UZS | 286 802 992.00 | 00.00 | 286 802 992.00 | 21.07.2022 15:21:20 | 19.19 |
| **ЭЛДОР М.Ч.Ж.** | 289 699 992.00 | 283 905 992.00 UZS | 283 905 992.00 | 00.00 | 283 905 992.00 | 21.07.2022 12:23:35 | 19.39 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ЯНГИКУРГОН ТЙФУК** | 68.6664 | 19.98 | 88.6464 |
| **BINOKOR XXI MCHJ** | 69.3336 | 20 | 89.3336 |
| **УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN** | 68.6664 | 19.19 | 87.8564 |
| **ЭЛДОР М.Ч.Ж.** | 67.3336 | 19.39 | 86.7236 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 123112 от 27.07.2022 года на приобретение Бустон мфй Гулистон кучаси таъмирлаш определила победителем:

BINOKOR XXI MCHJ
200117820

и резервный исполнитель: ЯНГИКУРГОН ТЙФУК (200118130)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SOTIVOLDIYEV BEXZOD NURMIRZAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ZIYATOV RUSTAMBEK ISAQOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAXKAMOV ISMATULLA ABDILLAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MADRAXIMOV UMIDJON ABDURASULOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | JAVXAROV ADXAMJAN ABDURAXMANOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MOLIYA VAZIRLIGI

MINISTRY OF FINANCE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100017, Toshkent sh., Istiqlol ko'chasi, 29-uy
Tel.: (998 71) 239-15-69, 239-12-52, Faks: (998 71) 244-56-43

29, Istiqlol street, Tashkent, 100017
Tel.: (988 71) 239-15-69, 239-12-52, Fax: (998 71) 244-56-43

03/03-32/1054
05.05.2022

**Туман ва шаҳар ҳокимликлари**

**Туман ва шаҳар молия бўлимлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги ПҚ-5250-сон қарорига асосан **2022 йил 1 январдан бошлаб** туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг **50 фоизи** "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтирилиши белгиланган.

Маълумот учун, 2022 йил туман ва шаҳар бюджетларида ички йўлларни таъмирлаш учун жами 272 млрд сўм маблағлар кўзда тутилган бўлиб, ушбу маблағларнинг **камида 50 фоиз қисми яъни 136,4 млрд. сўм** жамоатчилик фикри асосида йўналтирилиши белгиланган.

Шу билан бирга, **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги 49-сон қарори**га асосан "Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички хўжалик йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички хўжалик йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартиби тўғрисида низом" тасдиқланди.

Тасдиқланган низомга асосан, жорий йилда илк маротаба "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали "Менинг йўлим" дастури ишга туширилиб, дастур доирасида фуқаролардан жами **9 212 та** лойиҳалар илгари сурилди. Ушбу лойиҳаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда фуқаролар томонидан мамлакат бўйлаб жами **1 961 мингта** овозлар берилган.

Овоз бериш жараёни якунларига кўра, белгиланган тартиб асосида республика бўйича жами **380 та** лойиҳалар ғолиб деб топилди. Ғолиб деб топилган лойиҳаларнинг амалга ошириш умумий қиймати дастлабки хисоб-китобларга кўра **188,5 млрд. сўм**ни ташкил этган.

Шу билан бирга, белгиланган тартибга кўра туман ва шаҳарлар бюджетида ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг жамоатчилик фикри асосида йўналтирилгандан ортган қисми тегишинча туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари томонидан шакллантирилган Манзилли рўйхат асосида сарфланиши белгиланган.

Шу муносабат билан,

туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағлардан жамоатчилик фикри асосида йўналтирилгандан ортган қисмини сарфлаш бўйича **Манзилли рўйхат шакллантиришда** биринчи навбатда, “Менинг йўлим” лойиҳаси доирасида фуқаролар томонидан илгари сурилиб, кўп миқдорда овоз тўплаган лекин маблағлар миқдори чекланганлиги сабабли “ғолиб” деб топилмаган лойиҳаларни молиялаштириш масаласини кўриб чиқишингизни;

“Менинг йўлим” лойиҳаси доирасида **“ғолиб” деб топилмаган,** лекин кенг жамоатчилик томонидан долзарб деб топилган лойиҳаларни туман (шаҳар) бюджетининг **қўшимча маблағлари ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар** хисобидан амалга ошириш чораларини кўришингизни сўраймиз.

**Вазир ўринбосари** **А. Хайдаров**

Ижрочи: А.Хасанов
Тел: 71-239-11-60
Mail: axasanov@mf.uz

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 2 февраль,
49-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги 49-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Shaffof yo'l» онлайн ахборот платформасида автомобиль йўллари соҳасида очиқ ахборотлар шаклида жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар**

РЎЙХАТИ

| Т/р | Маълумот тури | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Жойлаштириш учун масъул вазирлик ва идоралар |
|---|---|---|---|
| 1. | Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бош бошқармалари ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш ҳудудий мақсадли жамғармаларига республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган мақсадли маблағлар. | Реал вақт режимида | Молия вазирлиги |
| 2. | Автомобиль йўллари соҳасига ажратиладиган халқаро молия институтлари маблағлари. | Реал вақт режимида | Молия вазирлиги |
| 3. | Автомобиль йўллари соҳаси учун Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ажратмалари. | Реал вақт режимида | Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси |
| 4. | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида жорий таъмирлаш ва сақлаш ишларини молиялаштириш учун ҳар йили ажратиладиган мақсадли маблағлар. | Ҳар чоракда | Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси |
| 5. | Ички хўжалик йўллари ва шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари кўчалари учун маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари томонидан жорий этиладиган йиғимлардан тушумлар. | Ҳар чоракда | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 6. | Автомобиль йўллари ва кўчалар бўйлаб автомобиль сақлаш жойларидан фойдаланганлик учун тўловлардан келиб тушадиган маблағлар. | Ҳар чоракда | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 7. | Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш учун йиғимнинг базавий ставкасига қўшимча коэффициентларни қўллашдан тушадиган маблағлар. | Ҳар чоракда | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 8. | Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бош бошқармалари ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш ҳудудий мақсадли жамғармаларига Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасидан амалга ошириладиган трансфертлар. | Ҳар чоракда | Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 9. | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари йўл бўйида жойлашган ер участкаларида ташқи реклама объектлари (конструкциялари) қуриш учун электрон аукционлар якунлари бўйича ҳуқуқ тақдим этишдан тушадиган маблағлар, шунингдек, ташқи рекламанинг ўрнатилган объектлари (конструкциялари) учун ойлик тўловлар. | Ҳар чоракда | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Автомобиль йўллари қўмитаси |
| 10. | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг йўл бўйида жойлашган ер участкаларида ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, савдо, сервис объектлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа объектларини жойлаштириш ва қуриш учун мазкур ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилишдан тушадиган маблағлар. | Ҳар чоракда | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 11. | Автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объектларида олиб борилаётган йўл қурилиш ишлари ҳамда объектлар бўйича белгиланган тартибда тендер савдолари ўтказиш натижалари ҳақида маълумотлар. | Доимий | Автомобиль йўллари қўмитаси |
| 12. | Вилоят, шаҳар ва туманлар кесимида тегишлилиги бўйича, объектларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотлар (йўлларни лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари харажатлар сметаси). | Ҳар чоракда | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 13. | Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги идоравий йўллар ва кўприклар ҳолати, уларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари тўғрисида маълумотлар. | Ҳар чоракда | Сув хўжалиги вазирлиги |
| 14. | Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги идоравий йўллар ва кўприклар ҳолати, уларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари учун ажратилган маблағлар тўғрисида маълумотлар. | Ҳар чоракда | Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги |
| 15. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган автомобиль йўллари соҳасини ривожлантиришга оид «йўл хариталари», давлат ва инвестиция дастурлари ижроси бўйича маълумотлар. | Реал вақт режимида | Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси |
| 16. | Автомобиль йўлларини, шу жумладан, ички хўжалик йўллари ва шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар | Реал вақт режимида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатномалар тўғрисида маълумотлар. | | шаҳар ҳокимликлари |
| 17. | Автомобиль йўлларини, шу жумладан, ички хўжалик йўллари ва шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек, йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича маълумотлар. | Реал вақт режимида | Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги 49-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички хўжалик йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички хўжалик йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички хўжалик йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички хўжалик йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ички хўжалик йўллар реестри** — республика бўйича барча шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, хўжалик автомобил йўлларини (кейинги ўринларда — ички йўллар) тўлиқ рўйхатини ўз ичига олган маълумотлар базаси;

**ўртача нарх** — бир квадрат метрлик ички йўлни таъмирлаш учун талаб этиладиган харажатларнинг ўртача қиймати.

3. Туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи «Очиқ бюджет» ахборот портали (кейинги ўринларда — ахборот портали) орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлаш тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бош бошқармалари томонидан ҳар йили 15 декабрь санасига қадар ҳисобот йили давомида амалга оширилган ички йўлларни таъмирлаш учун сарфланган маблағлар асосида ўртача нарх шакллантирилади ва ахборот порталига киритилади.

5. Ҳар бир туман (шаҳар)да туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағлар миқдори ҳамда ҳудудлар бўйича аниқланган ўртача нарх туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ахборот порталида эълон қилинади.

6. Ахборот портали автоматик равишда ўртача нарх ва туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларидан келиб чиқиб, ҳар бир туман (шаҳар) бўйича таъмирланадиган ички йўлларнинг умумий ҳажмини аниқлайди.

## 2-боб. Ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида ички йўлларни таъмирлашга доир таклифларни шакллантириш тартиби

7. Ички йўлларини таъмирлашга доир таклифлар ахборот портали орқали кенг жамоатчилик ва бевосита фуқаролар томонидан билдирилган фикрлар асосида шакллантирилади.

8. Жамоатчилик фикри асосида ички йўлларни таъмирлашда таклифларни қабул қилиб олиш ҳар йили 10 январга қадар, билдирилган таклифлар орасидан ғолиб таклифларни овоз бериш йўли билан аниқлаб олиш жорий йилнинг 31 январга қадар амалга оширилади.

9. Ахборот портали орқали таклифларни юбориш ҳамда овоз бериш жараёнида вояга етган фуқаролар иштирок этишлари мумкин.

10. Жамоатчилик фикри асосида ички йўлларни таъмирлаш учун туман (шаҳар) маҳаллий бюджети маблағларини йўналтириш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

11. Фуқаролар ҳар йили ички йўлларни таъмирлашга доир фақат битта таклифни киритиши ҳамда битта таклифга овоз бериши мумкин. Фуқаролар ўзлари томонидан киритилган таклифга овоз беришни тақиқланади.

12. Ички йўлларни таъмирлашга доир таклифлар киритиш фуқаролар томонидан ахборот порталида тақдим этилган Ички йўллар реестридаги тегишли ички йўллардан бирини танлаш орқали амалга оширилади.

13. Ахборот портали орқали таклиф киритиш бевосита порталда рўйхатдан ўтиш орқали амалга оширилади.

14. Фуқаролар томонидан танланган ички йўллар ахборот порталида автоматик равишда таклиф сифатида шаклланади ва бошқа фуқароларнинг овоз бериши учун имконият яратилади.

15. Ҳар бир туман ва шаҳарларда билдирилган таклифлар бўйича берилган энг кўп овозлар сонидан келиб чиқиб, юқоридан пастга қараб сараланади.

16. Ғолиб таклифлар туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи доирасида таклифларни амалга ошириш қийматини ҳисобга олган ҳолда автоматик тарзда кетма-кетлик бўйича аниқланади.

17. Агар кетма-кетлик бўйича ғолиб деб топилган таклифларнинг амалга ошириш қиймати тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлашга ажратилган маблағларнинг 50 фоизидан кам бўлса, тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлашга ажратилган маблағлар қийматидан ортиқ бўлмаган кетма-кетлик бўйича навбатдаги таклиф ҳам ғолиб деб топилади.

18. Ҳар бир ғолиб деб топилган таклиф учун алоҳида ғазна ҳисобварағи очилади ва тегишли маблағлар ўтказиб берилади.

19. Ғолиб деб топилган таклифлар учун ажратиладиган маблағларнинг қиймати ҳисоб-китобига лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқлик киритилади. Бунда, лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқлик киритилган қиймат ғолиб деб топилган таклиф дастлабки қийматининг 5 фоизидан ошиб кетишига йўл қўйилмайди. Аниқлик киритилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан таклифни амалга ошириш қиймати дастлабки таклиф қийматининг 5 фоиздан ошиб кетган ҳолларда лойиҳа-смета ҳужжатлари қайта кўриб чиқилади.

20. Агар ғолиб деб топилган таклифда кўрсатилган ички йўлларни таъмирлаш жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукуматнинг тегишли қарорлари ёки ривожлантириш дастурлари доирасида бошқа манбалар ҳисобидан таъмирланиши назарда тутилган бўлса, ахборот порталига Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бош бошқармалари томонидан ушбу таклифни бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши учун асос бўлувчи ҳужжатлар юкланади ҳамда ушбу таклиф автоматик равишда ахборот порталидаги ғолиблар рўйхатидан чиқаради.

Бундай ҳолларда ахборот порталида кетма-кетлик бўйича ғолиблар рўйхатини қайта шакллантирилади.

21. Ғолиб деб топилган таклифлар Ички йўллар реестрида қайд этиб борилиб, келгуси уч йил давомида қайта таклиф бериш имконияти берилмайди.

22. Ғолиб деб топилган таклифлар бўйича лойиҳа-смета хужжатлари ушбу таклифларни илгари сурган фуқаролар жалб қилинган ҳолда ишлаб чиқилади, фуқаролар томонидан иштирок этиш рад этилган ҳолатлар бундан мустасно.

**3-боб. Ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида ички йўлларни таъмирлашни молиялаштириш тартиби**

23. Ғолиб деб топилган таклифлар бўйича ички йўлларни лойиҳалаштириш, таъмирлашда туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари буюртмачи вазифасини бажаради.

24. Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағлар тегишли тартибда туман (шаҳар) молия бўлимлари томонидан туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари томонидан ички йўлларни таъмирлашга масъул ваколатли органга ўтказиб берилади.

**4-боб. Ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида ички йўлларни таъмирлашни молиялаштириш бўйича ҳисобдорлик**

25. Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида ғолиб деб топилган таклифларни молиялаштириш учун очилган ғазна ҳисобварақлар ахборот порталига бириктирилади ва фойдаланувчиларга ажратилган маблағлар ва уларнинг сарфланиши юзасидан реал вақт шароитида маълумотлар билан танишиб бориш имконияти яратилади.

26. Ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида таъмирланган ички йўлларда амалга оширилган ишлар юзасидан туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари томонидан мажбурий равишда кўргазма планшетлари ўрнатилади.

Планшетларда ахборот портали орқали тегишли ички йўлни таъмирлашга доир келиб тушган таклифга йўналтирувчи «QR» штрих-код билан тасвирланган веб-манзил акс эттирилади.

27. Ахборот портали орқали жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш босқичлари бўйича ташаббускорлар қуйидаги ҳолларда СМС-хизмати орқали хабардор этиб борилади:

таклиф ғолиб деб топилганда;

ғолиб деб топилган таклифни молиялаштириш учун маблағ ҳисобварақка келиб тушганда;

ғолиб деб топилган таклифни амалга ошириш мақсадида шартнома имзоланганда (пудрат ташкилоти номи, шартнома суммаси ва давлат харидлари порталидаги махсус рақами);

молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан харажатлар амалга оширилганда (қайси ташкилотга маблағ ўтказилганлиги, маблағ миқдори ва тўлов мақсади).

28. Ғолиб деб топилган таклифлар асосида манзилли рўйхатга киритилган ички йўллари бўйича лойиҳа хужжатларини, ишлар рўйхатини тасдиқланиши тўғрилигини, бюджет маблағларини мақсадли сарфланганлиги, тасдиқланган лойиҳа хужжатлари асосида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари ҳажми ва сифати устидан жамоатчилик назорат ўрнатиш мақсадида ушбу таклифларни илгари сурган фуқаролар жалб қилинади фуқаролар томонидан иштирок этиш рад этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда, ахборот порталида ҳар бир лойиҳалар бўйича жамоатчилик назорати натижалари жойлаштирилади ва ҳар бир таклиф ва эътирозларга маҳаллий органлар ва буюртмачилар томонидан асослантирилган жавоблар қолдирилади.

**5-боб. Якунловчи қоидалар**

29. Ушбу Низомга асосан ички йўлларни таъмирлаш тадбирлари учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, кейинчалик ушбу йўллардан фойдаланиш бўйича ички йўлларни таъмирлаш учун масъул ваколатли орган шахсан жавобгар ҳисобланади.

30. Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағлардан белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши устидан назорат Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

31. Ушбу Низомга мувофиқ таъмирланган йўлларнинг давлат стандартларига мувофиқ экanлиги ва техник талабларга мослиги устидан доимий назорат Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички хўжалик йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички хўжалик йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартиби тўғрисида низомга
ИЛОВА

**Жамоатчилик фикри асосида ички хўжалик йўлларни таъмирлаш учун туман (шаҳар) бюджети маблағларини йўналтириш**

СХЕМАСИ

| **Босқичлар** | **Субъектлар** | **Тадбирлар** | **Муддатлар** |
|---|---|---|---|
| **1-босқич** | Туман (шаҳар) ҳокимликлари | 1. Туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички хўжалик йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағлар миқдори ҳамда ҳудудлар бўйича аниқланган ўртача нарх суммаси ахборот порталида эълон қилинади. | Ҳар йили 15 декабрга қадар |
| | Туман (шаҳар) ҳокимликлари | 2. Расмий веб-сайтлар, ҳудудий ОАВ орқали таклиф билдириш жараёни бошланиши ҳақида эълон беради. | Ҳар йили 15 декабрга қадар |
| **2-босқич** | Ташаббускор фуқаролар | Фуқаролар томонидан Ички хўжалик йўлларини таъмирлаш юзасидан «Очиқ бюджет» ахборот порталида тақдим этилган Ички хўжалик йўллари реестридан тегишли ички хўжалик йўлларидан бирини танлаш орқали таклиф қолдирилади. | Ҳар йили январь ойининг 10 санасига қадар |
| **3-босқич** | Овоз бериш истагини билдирувчи фуқаролар | Билдирилган таклифлар орасидан таклифларга овоз беради. | Молия йилининг 10 — 31 январь кунлари давомида |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **4-босқич** | «Очиқ бюджет» ахборот портали | Туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички хўжалик йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи доирасида таклифларни амалга ошириш қийматини ҳисобга олган ҳолда автоматик равишда кетма-кетлик бўйича ғолиб таклифлар аниқланади. | Февраль ойида |
| **5-босқич** | Туман (шаҳар) молия бўлимлари | Ҳар бир ғолиб деб топилган таклиф учун алоҳида ғазна ҳисобварағи очилади ва тегишли маблағлар ўтказиб берилади. | Апрель ойида |
| **6-босқич** | Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари | Ғолиб деб топилган таклифлар учун ажратиладиган маблағларнинг қиймати ҳисоб-китобига лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқлик киритилади. | Апрель ойида |
| **7-босқич** | Ободонлаштириш бошқармалари | Ажратилган маблағлар доирасида ички хўжалик йўлларини таъмирлаш учун пудратчи ташкилот билан шартномалар расмийлаштирилиб, ишлар бажарилади. | Йил давомида |
| **8-босқич** | Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари | Таъмирланган йўлларга махсус «QR» штрих-код туширилган кўргазма планшетлар ўрнатилади. | Таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг |

*(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.02.2022 й., 09/22/49/0091-сон)*

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Янгиқўрғон туман ҳокими
______ ...Нажмиддинов
"26" ______ 2022 йил.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Янгиқўрғон туман ҳокимлиги молия бўлими мудири
______ Б.Боймирзаев
-26- май 2022 йил.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгаши котибияти мудири
______ М.Эргашева
-26- май 2022 йил.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги 49-сонли қарорига асосан, туманда ўтказилган "Менинг йўлим" лойиҳасида юқори овоз тўплаб ғолиб бўлолмаган маҳаллаларни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 5 майдаги туман ҳокимликларига ёзган 03/03-32/1054-сонли кўрсатма хатига асосан

## МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

| № | Объектлар номи ва манзили | Қурилиш бошланиш ва тугалланиш йили | Лойиҳавий қуввати тегишли ўлчов бирликларида | Пудрат шартномаси тузилиш вақтида қурилишнинг умумий қиймати | Қурилишнинг 2022 йил 1 январ ҳолатига қолдиқ қиймати | 2022 йил капитал қўйилмалар | Шу жумладан: Қурилиш-монтаж ишларининг умумий қиймати | шундан: Тупроқ йўлни тошга ўтказиш, км | Тупроқ йўлни тошга ўтказиш, минг сўм | Тошли йўлни асфальтга ўтказиш, км | Тошли йўлни асфальтга ўтказиш, минг сўм | Асфальт йўлни таъмирлаш, км | Асфальт йўлни таъмирлаш, минг сўм | цемента-бетон қоплама билан таъмирлаш, км | цемента-бетон қоплама билан таъмирлаш, минг сўм | Бошқа харажатлар (минг сўм) | шундан: Буюртмачи харажатлари | Лойиҳа ва экспертиза харажатлари | 2023 йил 1 январ ҳолатига ўтувчи объектлар бўйича қолдиқ қиймати | Тендер савдолари баённомаси тасдиқланган санаси ва рақами | Экспертиза санаси ва рақами № | Пудратчи қурилиш ташкилотлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Янгиқўрғон тумани | | 2,000 | | | 610 000,000 | 570 000,000 | | | 1,000 | 280 300,000 | 1,000 | 289 700,000 | | | 39 900,000 | 28 500,000 | 11 400,000 | | | | X |
| 1 | Нуроҳшон МФЙ Маърифат кўчаси | 2022 йил | 1,000 | | | 300 000,000 | 280 300,000 | | | 1,000 | 280 300,000 | | | | | 19 621,000 | 14 015,000 | 5 606,000 | | | - | Танлов асосида |
| 2 | Бўстон МФЙ Гулистон кўчаси | 2022 йил | 1,000 | | | 310 000,000 | 289 700,000 | | | | | 1,000 | 289 700,000 | | | 20 279,000 | 14 485,000 | 5 794,000 | | | | Танлов асосида |

"КЕЛИШИЛДИ"
Янгиқўрғон туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи
______ Б.Сотиболдиев
-26- май 2022 йил.

"КЕЛИШИЛДИ"
Янгиқўрғон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори
______ Р.Зиёвиддинов
-26- май 2022 йил.